Фароғат опанинг гапларини тинглаб ўтирарканман, кўз ўнгимда у сахнада жонланган Иқбол, Ҳаётхон, Нодирабегим, Зулфи, Сарви, Амал, Кумуш, Санам каби роллар гавдаланади. Қулоғим остида эса «Диёримсан», «Гул масуми», «Вафо қилса», «Салом келибди», «Гўзал», «Эй, кўнгул» кўшиқлари жаранглайди. Актрисанинг умидли шоирларидан О. Тожибоева, М. Бекжонова, Х. Хасанова, М. Тешабоева, О. Гозиевалар билан суҳбатлашганимда санъаткор бўлиш, айниқса, аёл учун ниҳоятда заҳматли бўлганлигини англайман.

Фароғат Раҳматова ҳам жонқуярлик билан меҳнат қилляпти. У яқинда томошабинларга намойиш этилган «Гул ва Наврўз» спектаклида Гулнинг энагаси ролини маҳорат билан ижро этди. Тез кунларда биз санъаткорни «Юсуф ва Зулайхо» сахна асаридаги дарвеш аёл қиёфасида учратамиз. Ўйлаيمизки, ўзининг 50 йиллигини нишонлаш арафасида турган театрининг атоқли актёрларидан Фароғат Раҳматова кўп йиллар мобайнида томошабинларга манзур бўладиган роллар яратаверди. Санъаткорнинг ўзи таъкидлаганидек, театрини ҳеч қачон тарқ етолмаслигига бизнинг ҳам ишончимиз комил.

Гулчехра ЙЎЛДОШЕВА.

● СУРАТДА: Ф. Раҳматова Зулхумор («Равшан ва Зулхумор») ролда.

С. КОҒАН тасвирга туширган.

«ТЕАТРИ ТАРК ЭТМАЙМАН»

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Усмон Юсуповни ҳам ўшанда биринчи марта кўрганман. Тақдирини қарангки, ҳар икки раҳбар кейинчалик мен учун қадрон бўлиб қолишди. Уларни азбойи ҳурмат қилганимдан «Йўлдош ота». «Усмон ота» деб атардим. «Ўзбекистон қиличи» спектаклининг ҳар бир сахнасини кўриш учун 10—15 минут вақт кетар, чунки у пайтларда ҳозиргидек қўлай айланма сахналар йўқ эди-да. Ҳар бир кўришни орасидаги вақт бўш қолмаслиги учун ҳаваскорлар куй-қўшиқлар ижро этишарди. Шунда мен ҳам «Э. пари дилдор» кўшигини айтдим. Ашула тугашини билан Ҳалима омам: «Вой, кўрмагурсей, овозинг худди менинг овозимга ўхшайди-я» деб олқишлади. Йўлдош ота бўлса: «Яна қайси ашулани биласан», деб сўради. Сўнг: «Қатор-қатор карвон келар»ни айтиб бердим. Улар «Сени Тошкентга олиб кетамиз, ўқиб катта артист бўласан», дейишувди, «мен кетсам, анам оч қолади-ку», деб йиғлаб юбордим. Йўлдош ота: «Энангга ўзим ёрдам бераман», деб катмонидан анча-мунча пул олиб бергани кечагидай ёдим-да...

Шундай қилиб, Ҳалима

да менга ашула ўргатарди. Болалигимга бориб, машқлар пайтида кўпинча ухлаб қолардим. Шундай пайтларда у киши мени уйотинишга кўзалари қиймасдан устимга чопонларини ёпиб қўярканлар. Нимасини айтасиз, ҳақтоки ўзларига берилган донини ҳам оз-оздан бўлиб (ҳаммасини берсам биратўла еб қўяди, кейин қаердан яна нон топиб бераман деб ўйлаганлари шубҳасиз) менга берардилар. «Бир ишва билан мени девона этиб кетдинг» мисраси билан бошланувчи биринчи кўшигини ижро этганимда Юнус отанинг қувонганларини кўрсангиз эди...

Уруш тугагандан сўнг Янгийўлдаги барча ижодкорлар Бешёғочда қурилган «Тошсовет» театрига ўтказилди. Бир кун Усмон Юсупов Ўзбекистон ССР халқ артисти Комилжон Жаборов билан Ҳабیبийни ўз ҳузурига чорлаб, «уруш йилларида халқ жуда эзилди кетди. Икковларинг ҳамкорликда эл-юртин маънавий дардан фориқ эгадиган дилбар кўшиқ яратинглар», дебди. Агар адашмасам ўшанда Ҳабیبий кўшиқ матнини қайта-қайта ёзди. У ҳар ёганини Усмон отага ўқиб берарди. Охири сўнги нусхаси у кишига

маъқул бўлиб, «мана бу шеър ўзбекининг вальси бўлади» деганди. Мен эса бир кечада ашулани ўрганиб, ижро этдим. «Диёримсан» кўшигини зудлик билан радио орқали эшиттиришди. Баъзан ўйлаб қоламан: ўша пайтдаги давлат раҳбарлари санъатга жон-дилдан қизиқармиди ёки уларнинг бўш вақтлари кўшимиди?

Кейинчалик «Тошсовет» ва «Муқимий» театрлари бирлаштирилди. Е. Бобоқонов «Ҳамза» театрига ишга ўтиб кетди. Мен эса Тўхтасин Ялилов билан ишлаб бошладим. Унинг мусиқа санъатида ўз йўли бўлиб, халқ у кишини бекорга «Уста» демаган экан. Ишонасими-йўқми, баъзан битта ашулани эртдан-кечгача ўрганардим. Кўпинча кўшиқ бўладиган кўшиқни ўқиб, «сўзларинг ҳолатини бер» деб талаб қиларди.

Муқимий театри шу тариқа Ф. Раҳматова учун яқиний мактаб вазифини ўтади. Бу даргоҳда қатор катта-кичик ролларни ижро этди. Улар орасида энг характерлиси — «Нурхон» спектаклидаги Нурхон ва Ниме ролларидир. Бу ролларни театр мухлислари катта қизиқиб

КЕЙИНГИ йилларда қаторан этилган ёзувчи ва шоирларнинг номлари оқланди, асарлари халққа тақдим этилаётгани, уларнинг адабий меросини тарғиб этиш мақсадида турли тадбирлар ўтказилаётгани халқимиз маданий ҳаётида ўзига хос воқеа бўлиб, табиқийки, буларнинг ҳаммаси кишиларни беҳад қувонтирмоқда.

8 апрель кун Тошкент шаҳридаги А. С. Пушкин номи маданият ва истироҳат боғида семимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий таваллудининг 96 йиллигига бағишланган халқ сайли ўтказилди. Соат 15 дан 17.45 гача боғнинг мамъурий биноси қаршисидаги майдонда шеъринг кечаси давом этади. Унда таниқли шоирлардан — Ўзбекистон Ленин комсомол мукофоти совриндорлари Гулчехра Нуруллоева билан Хуршид Даврон, Рауф Парин ва Шукр Қурбон ўз ижодларидан намуналар ўқиб беришади. Еш хонадалар, «Намолот-89» кўрик-конкурсининг соврин-

дори Шомаҳмуд Шораҳмедов ва Алишер Ганиев ижросида қўшиқлар янграйди. Катта томоша майдонига соат 18 дан бошланадиган тантаналарда жумҳурият ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг қотиби Тоҳир Малик таниқли шоир Муҳаммад Юсуф, классик кўшиқлар устаси, Ҳасан Ражабий, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов, лирик хонанда Бахтиёр Холжўнаевлар қатнашадилар. Шунингдек сайилга ёзувчининг фарзандлари, яқин дўстлари, қариндош-уруғлари ҳам таширф буюришади.

Г. ХУСАНОВА.

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

ЕР Ой билан Қуёш орасидан ўтганида Ойга Ернинг сояси тушади ва Ой тугилиши бошланади.

Айтишларича, бундай ҳолат Х. Колумбинг ҳаётини сақлаб қолган экан. Нафш этилган Американинг аҳолиси испан жаҳонгирларига қарши қўзулган кўрсаткичлар. Сал бўлмаса Колумб ўзининг кичик отряди билан ҳалок бўларди. Шу пайт бирдан Ой тугилиши бошланади. Табиат қонунларини яхши билган Колумб: «Агарда таслим бўлмасангиз Ойни сизлардан тортиб олиб қўяман», деб оломонга пўписа қилди. Тобора қоронглик қаёрига кириб бораётган ерли халқ ўзларини Ой нуридан махрум қилмаслигини сўраб, олимга илтижо қилдилар. Колумб эса «раҳм қилиб», уларга «Ойни қайтариб бери» деди ва улар бир-бирлари билан ярашиб, мурсосага келадилар.

Тўловчи: М. ОТАХОНОВ.

Янги шеърлар

ВАТАН

Бу бизнинг қувончдир ўзаларга ёт, Опоқ хирмонимиз осмон шифтида. Бу бизнинг меҳнатдир, кўтарди азот Қизлар тоналари минти кифтида.

Бу бизнинг халқимиз, бу бизнинг улус, Тийрак кўзларинда дийнат балқар, Эпикдан келганча мудоом очик юз, Савоб иш қилгани кўхар деб алқар.

Бу бизнинг отамиз, бизнинг онамиз, Бало-қазоларга жонлари қалқон. Улкан ҳаётдаги илк остонамиз, Бизин ҳавотар-ла кузатар ҳамон.

Бу бизнинг ўғлимиз, бизнинг қизимиз, Суйиб ардоқлаймиз уларни ҳарчанд. Войлик йиғмасак-да, боймиз ўзимиз, Бизда энг табаррук неъматдир — Фарзанд.

Бу бизнинг еримиз, бу бизнинг Ватан, Уфқа туташган водий, далалар. Нон-тузини ўртада кўришиб баҳам, Ўсар бу ҳовлида бизнинг болалар.

Абдураҳим АЗИМ.

Ойнинг тугилиши

ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

Душанба

9 апрель

УзТВ I

17.35 Янгиликлар. 17.40 Инсон ва табиат. 18.10 Эртак қандай яратилди. 18.20 Қувноқлар даврасида. 18.50 КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Харакат дастури лойиҳаси муҳокамада. 19.25 Реклама. 19.30 «Ахборот», 19.50 «Едгорлик» туркумидан. 20.30 «Время». 21.00 Ченг тароналари. 21.35 Ойна жаҳонда. Ҳафтлик кўрсатувлар мундарижиси. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади.

УзТВ II

18.05 Гўзаллик куйчиси. П. И. Чайковскийнинг 150 йиллигига. 18.35 Дон Кихот болалари. Бадий фильм. 19.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ. 20.30 «Время». 21.00 Ташқи ишлар министрлиги: бугун ва эртага. 21.40 Концерт. 22.10 Очик қалб. Бадий фильм.

MT I

6.00 «120 минут». 8.00 Мультфильмлар. 8.30 Футбол шарҳи. 9.00 Гжелъ — рус мўзжизаси. 9.50 Балет, балет... 10.50 СССР халқ артисти Е. Н. Гоголева рус ва совет авторларининг шеър ва насрий асарларининг ўқийди. 11.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 12.00 «Время». 15.15 Болалар учун фильм. Ҳамма палубага. 16.25 СССР — Ҳиндистон: байрам ва оддий иш кунлари. 16.35 Концерт. 17.00 Концерт. 18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Биз ва экономика. 19.25 Елканлар остидаги ўлим. Телевизион бадий фильм. 20.30 «Время». 21.00 Коллаж. 21.05 Футбол шарҳи. 21.35 Сўз. Адабий-бадий программа. 23.35 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

MT II

8.00 Эрталабки гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 География. 9.05 Италия тили. 10.05 Онам, дадам ва мен. 10.35 ва 11.35 Биология. 11.05 Рус тили. 12.55 Яшанглар! Телевизион бадий фильм. 13.25 Ҳужжатли фильм. 13.55 И. Брамс. Скрипка ва фортепьяно учун иккинчи соната. 14.15 Такрорий телефильмлар сеанси. Сосновкада премьера. 16.30 Мультфильм. 16.40 Кичик шаҳарнинг катта муаммолари. 17.25 Л. Штанько кўлайди. 18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Бу кўшиқни ёдлаб ол. 18.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Кўзгү». 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 19.45 Кеч қузда, Орскда. Оренбургдан кўрсатилади. 20.20 Рассом В. Охунов ва Т. Миржалиловлар устахонасида. 20.50 А. П. Чехов. Кечиккан гуллар. Телеспектакль. 22.25 Концерт.

Сешанба

10 апрель

УзТВ I

11.30 Совет давлати ва ҳукуқи асослари. 12.00 Телефильмлар. 12.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 13.00 «Камал». Тўрт серияли бадий фильм. Учинчи фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Телефильмлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 Узбек тилини ўрганамиз. 18.50 Деҳқон юмушлари. 19.20 «Ҳамфирлар». «Голодостройстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги янги иш усуллари ҳақида. 19.30 «Ахборот». 19.45 Навоий гулшани. 20.30 «Время». 21.00 Долзарб мавзу. 21.20 Камолот сари. 22.00 «Ахборот». 22.20 Инсон ва кунун.

УзТВ II

18.05 Телефильм. 18.25 Спорт кинопрограммаси. 19.10 Оловнинг тизгинлангани. Бадий фильм. 1-серия. ДУШАНБЕ

КўРСАТАДИ. 20.30 «Время». 21.00 КПСС XXVIII съезди ва Тожикистон Компартиясининг XXI съездлари олдидан «Нури зиндаги». 22.00 «Ахборот». 22.20 «Нури зиндаги» кўрсатувининг давоми. 23.20 Телефильм.

MT I

6.00 «120 минут». 8.05 Елканлар остидаги ўлим. Бадий фильм, 1-серия. 9.10 Мультфильмлар. 9.35 Ҳайвонот оламида. 10.35 Бу бўлган... бўлганди... 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 12.30 Бизнинг мерос. 15.15 Кичик концерт. 15.30 Ишчан гоғлар ярмаркаси. 16.45 Ҳужжатли фильм. 17.15 Муслиқий таътиллар. 18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Ешлик хабарномаси. 19.00 Ешлик кўлайди ва рақсга тушади. 19.20 Елканлар остидаги ўлим. Бадий фильм, 2-серия. 20.30 «Время». 21.00 Долзарб интервью. 21.10 Навбат сизга артист Любовь ва Виктор Анишмовлар. 21.30 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак». «Динамо» (Москва). 22.20 Опера шинавандалари телевизион клуби. 23.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

MT II

8.00 Эрталабки гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Адабиёт. 9.05 Француз тили. 10.05 Француз тили. 10.35 ва 11.40 Табиатшунослик. 10.55 Зехнлар учун машқлар. 12.00 Яшанглар! Бадий фильм, 2-серия. 13.05 Ритмик гимнастика. 13.35 Такрорий телефильмлар сеанси. Илк қувончлар. Беш серияли телевизион бадий фильм, 2-қисм. 14.45 Бадминтон. 16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.00 Татаристон АССР Давлат телерадиоси. 17.30 Ритмик гимнастика. 18.00 «Время». 18.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар.

Чоршанба

11 апрель

УзТВ I

11.30 Телефильм. 12.30 Қамал. Бадий фильм. 4-фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Касблар ҳақида ҳикоялар. 18.15 Шоирлар — болаларга. 18.55 Хизмат кўрсатиш тармоқлари. 19.30 «Ахборот». 19.50 «Ешлик» студияси кўрсатади. 20.30 «Время». 21.00 Навруз ва Аэзоумо. Адабий-муслиқий кўрсатув. 21.40 Долзарб мавзу. 22.00 «Ахборот». 22.20 Олтинчи июль. Бадий фильм.

УзТВ II

18.05 Концерт. 18.40 Киножурнал. 18.50 Оловнинг тизгинлангани. Бадий фильм. 2-серия. 20.10 «Тошкент» студияси кўрсатади. ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ. 20.30 «Время». 21.00 Ҳаёти деҳот. 21.40 Тақдир. К. Ашурова ҳақида киночерк. 22.00 Ахбор. 22.20 Концерт.

MT I

6.00 «120 минут». 8.05 Елканлар остидаги ўлим. Бадий фильм, 2-серия. 9.10 Мультфильм. 9.35 Футбол. СССР чемпионати. 10.25 Савҳатчилар клуби. 11.25 «Камелак». 12.00 «Время». 12.30 А. Зурабов. «Лирика». Телеспектакль. 15.15 Муслиқий ҳазина. 16.25 Ҳужжатли фильмлар. 17.00 Болалар соати. 18.00 «Время». 18.30 Ҳужжатли фильм. 19.25 Шеърят лаҳзалари. 19.30 Бу беҳиёс овоз. 20.30 «Время». 21.00 Коллаж. 21.05 Долзарб интервью. 21.15 Тикланган. 21.45 Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар. 23.00 ТСН. Янгиликлар телевизион хизмати.

MT II

8.00 Эрталабки гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Табиатшунослик. 9.05 Немис тили. 10.05 Немис тили. 10.35 ва 11.35 Умумий биология. 11.05 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 Ҳужжатли фильм. 12.35 Концерт. 13.05

Такрорий телефильмлар сеанси. 14.10 Бадминтон. Европа чемпионати. 16.30 Стол тенниси. Европа чемпионати. 17.00 Телевизион муслиқий абонемент. 18.00 «Время». 18.30 СССР Олий Совети сессияси. Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!

Пайшанба

12 апрель

УзТВ I

КОСМОНАВТИКА КУНИ

11.30 Ботаника. 12.00 Телефильм. 12.30 Табиатшунослик. 13.00 Оловнинг тизгинлангани. Бадий фильм, 1-серия. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Телефильм. 18.10 Ассалоом, коинот! 19.00 Езувчи ва замон. 19.30 «Ахборот». 19.45 Алифбо сабоқлари. 20.20 Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.30 «Время». 21.00 Катта ашула ва ялла, лаларлар. 21.30 Мультфильмлар. 22.00 «Ахборот». 22.20 Экран таништарди...

УзТВ II

18.05 Уйинчоқ. Манзарали фильм. 18.20 Болалар учун. «Олдузча» 18.55 Тарих саҳифалари. 19.35 Реклама. 19.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ. 20.30 «Время». 21.00 Сазу рози жигони. 21.40 Галабонинг 45 йиллиги. 22.00 «Ахборот».

MT I

6.00 «120 минут». 8.00 Ҳужжатли фильм. 8.10 Опера шинавандалари телевизион клуби. 9.20 Мультфильм. 9.55 Бу беҳиёс овоз. 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 «Время». 12.45 Л. Леонов. Олтин арава. Фильм-спектакль. 15.00 Мультфильм. 15.15 Ҳужжатли фильм. 16.10 Концерт. 16.40 Инсон. Ер. Коинот. 17.40 Мультфильмлар. 18.00 «Время». 18.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.10 Она бўри фарёди. Бадий фильм. 1-серия. 20.30 «Время». 21.00 Она бўри фарёди. Бадий фильм, 2-серия. 23.10 ТСН. Янгиликлар телевизион хизмати. 23.25 ВЛКСМ XXI съезди кундалиги.

MT II

8.00 Эрталабки гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Биология. 9.05 ва 10.05 Испан тили. 10.35 ва 11.40 Муслиқ. 10.55 Илмий хабарнома. 12.00 Ҳужжатли фильм. 12.40 Ритмик гимнастика. 13.10 Такрорий телефильмлар сеанси. 14.30 Бадминтон. Европа чемпионати. 16.30 Ҳужжатли фильм. 17.25 Стол тенниси. Европа чемпионати. 17.55 Коллаж. 18.00 «Время». 18.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Кўклагли кеча-кундуз бараварлиги.

Жума

13 апрель

УзТВ I

11.30 Ерқазир. Телефильм. 11.50 Фильм-концерт. 12.25 Оловнинг тизгинлангани. Бадий фильм, 2-серия. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Бу сирли олам. 18.10 Халқ назорати экрани. 18.45 «Ешлик» студияси кўрсатади. 19.25 Реклама. 19.30 «Ахборот». 19.50 Тил — маданият кўзгуси. 20.30 «Время». 21.00 Оламага савҳат. 21.50 Одбонмо. 22.00 «Ахборот». 22.20 Юртин баҳори.

УзТВ II

18.05 Киносаварлар. 18.50 Регби бўйича олий лига командалари ўртасида СССР чемпионати. «Звезда» (Тошкент) — «ХТЗ» (Харьков). 19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади.

ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ:

20.30 «Время». 21.00 Концерт. 22.00 Ахбор. 22.20 Сурди анаалло.

MT I

6.00 «120 минут». 8.05 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 8.45 Мультфильм. 9.05 Она бўри фарёди. Бадий фильм, 1 ва 2-сериялар. 11.30 Бекимчоқ. 12.00 «Время». 12.30 Останкино концерт студиясида шоир Д. Самойлов билан уршушу. 15.15 Агар сиз. 16.00 Болалар учун фильм. 17.15 Компьютер билан мулоқот. 18.00 «Время». 18.30 Ҳокимият — Советларга. 19.00 Л. Бондаренко чалади. 19.10 Ҳужжатли фильм. 20.30 «Время». 21.00 «Коллаж. 21.05 Долзарб интервью. 21.15 Бу бўлган... бўлганди. 21.40 Нинго. 23.10 ТСН. Янгиликлар телевизион хизмати. 23.25 ВЛКСМ XXI съезди кундалиги.

MT II

8.00 Эрталабки гимнастика. 8.15 Бордами ёки полизда. 8.35 ва 9.35 Адабиёт. 9.05 ва 10.05 Инглиз тили. 10.35 ва 11.05 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 Л. В. Бетховен. Скрипка ва оркестр учун концерт. 12.50 Тушимга катта зал кирибди. 13.35 Илк қувончлар. 7-серия. 15.00 Бадминтон. Европа чемпионати. 16.30 Қадрдон ўлка кўшиғи. 16.45 Презентация-3. 17.55 Коллаж. 18.00 «Время». 18.30 Спорт программаси. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 19.45 Информацион программа. 20.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 21.00 Футбол. «Днепр» — «Динамо» (Киев). 22.50 Спорт ҳамма учун. 23.05 Алвасты. Бадий фильм. 00.20 Бадминтон. Европа чемпионати.

Шанба

14 апрель

УзТВ I

9.00 «Ассалоом алайкум». 10.00 Отни ким эгалайди? Бадий фильм. 11.10 Эгулик йўлида. 11.40 Концерт. 12.00 Ер — бойлигимиз. 12.35 Дўстлик программаси. 13.55 «Тошкент» студияси кўрсатади. 15.05 Юксалиш йўлидан. 15.35 Саломатлик манбаи. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. 18.50 Шеърят дефтаридан. 19.00 Узбек тилини ўрганамиз. 19.30 «Ахборот». 19.45 Концерт. 20.15 Оқшом эрталари. 20.30 «Время». 21.00 Дўстлик экрани. 22.00 Ҳафтанома. 22.40 Машраб Бобоев. Мушукул савдо спектакли.

УзТВ II

ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ: 9.15 Савту калом. 10.15 Баҳорнинг ўтти етти лаҳзаси. Бадий фильм, 1 ва 2-сериялар. 12.35 Бизнинг хазинамиздан.

ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ:

15.05 Мультфильм. 15.15 Реклама. 15.25 Телефильм. 16.00 Бравонинг хати. Бадий фильм. 17.30 Самбо. Ешлар ўртасида СССР биринчилиги. 18.00 Кино, ҳаёт, китобхон. 19.00 Мезгил. 19.10 Қирғизистон ССР Олий Совети сессиясида. 21.00 Дўстлик экрани. 22.00 Қирғизистон ССР Олий Совети сессиясида.

MT I

6.00 «120 минут». 8.00 Онам, дадам ва мен. 8.30 Чамшлар. 9.00 Йил фасллари. 10.00 «Бурда модери» теклиф этди. 10.30 Сўвсий мулоқотлар. 11.00 Партнер. 11.30 Оила экрани. 13.00 Россия суверенитети. 1-курсатув. 14.00 Сергей Березин кўшиқлари. 14.10 Бахтли тасодиф. 14.25 Ҳаёт формуласи. 15.20 Камалак. 15.50 Катта ҳаёт. Бадий фильм, 1-қисм. 17.30 Халқаро панорама. 18.15 Катта ҳаёт. Бадий фильм, 2-қисм. 19.45 Халқаро конкурслар лавреати Д. Хворостовский куйлайди. 20.30 «Время». 21.00 Долзарб интервью. 21.10 Телескоп. 21.30 Моррисвелла калъасидаги шарпа. Бадий фильм. 23.00 Концерт. 23.50 Ҳужжатли фильм. 24.00 ВЛКСМ XXI съезди кундалиги.

MT II

7.30 Эрталабки гимнастика. 7.45 Концерт. 8.15 Иттифоқдеш жумхуриялар кинофундишчаси. 8.40 Биринчи Бастилия. Бадий фильм. 9.55 Рус тили. 10.25 Коллаж. 10.30 Муслиқий канал. 12.30 Киришга руҳсат этинг. 13.00 Дўстлик меридианлари. 13.35 Ватан осмонини ҳимоя қилиб. 13.45 Информацион программа. 14.30 О. Сулейменов. Инсонга таъзим қил. Ер. Поэма. 15.05 Уз дардини энгиш. 15.20 А. Онеггер. Шекспирнинг «Бүрнот» ёзилган предюдия. 15.30 Оролга ёрдам беринг телемарафони, 1-қисм. 16.30 Совет Россияси видеоканали. 18.35 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 19.00 «Оролга ёрдам беринг Телемарафони, 2-қисм. 20.30 «Время». 21.00 Оролга ёрдам беринг телемарафони, 3-қисм. 22.00 «Пил» белгиси билан, 1-қисм. 22.45 Бадминтон. Европа чемпионати. 23.15 «Пил» белгиси билан, 2-қисм. 00.45 Концерт. 01.05 «Пил» белгиси билан. 02.05 Киноконцерт. 02.55 «Романининг қаҳрамонлари». Бадий фильм.

Якшанба

15 апрель

УзТВ I

9.00 «Ассалоом алайкум». 10.00 Мактаб ўқувчилари учун. 10.25 Спорт программаси. 11.25 Дўстлик чаманзориде. 11.55 Ҳамза Имомбердиев. Секрлар ҳарфлар ороли. Қўнғирқо тарининг спектакли. 12.50 Алифбо сабоқлари. 13.25 Мушоҳада. 14.15 Телефильм. 14.35 Илгор таъриба мактаби. 18.00 Қўшиғим, жон қўшиғим. 18.40 «Ешлик» студияси кўрсатади. 19.30 «Ахборот». 19.45 Кино жавонидан. 20.30 «Время». 21.00 Якшанба оқшомиде. 21.40 Мультфильм. 22.00 «Ахборот». 22.20 Оталар сўзи ақлининг кўзи.

УзТВ II

ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ 9.00 Муслиқий ахборот. 10.05 Реклама. 10.15 Кинобаннинг виторинаси. 10.55 Футбол, футбол, футбол. 11.55 Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси. Бадий фильм, 3 ва 4-сериялар. 18.00 Бадий фильм. 19.15 Телетомашбин ҳамроҳи. 19.45 Забон доши — ҳақон доши. 20.30 «Время». 21.00 Концерт. 22.00 Ҳафта. Информацион программа. 22.30 Кўхи баланд (давоми).

MT I

7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 Спортлобо тираки. 8.30 Эрта саҳарлаб. 9.30 Ватан хизматида. 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 Дунё бўйлаб. 12.00 Здорьева. 12.45 Улим архиви. Бадий фильм, 5-серия. 14.15 Педагогика ҳамма учун. 15.15 Кишлоқ янгиликлари. 16.30 Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак. Бадий фильм. 18.00 Шафқат ҳафтаси. 18.30 Мультфильм. 18.45 Самогончилар. Бадий фильм. 19.05 Ҳамтовоқлар. Бадий фильм. 20.30 «Время». 21.00 Абдиқат ҳақида ўйлар. 21.15 П. И. Чайковский. 100 та романс. 21.35 Ҳужжатли фильм. 21.50 Джай портретлари.

MT II

7.30 Зарядкага сафланнинг. 7.45 Бир партия шахмат ўйнаш. 8.00 Мультфильм. 8.15 Биз кўшини бўлиб шарадди. Бадий фильм. 9.30 Ҳужжатли фильм. 10.00 Урсалар — қоч. Бадий фильм. 11.30 Коллаж. 11.35 Биз яшаватган олам. 12.25 Ҳамдўстлик видеоканали. 14.55 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 16.00 Совет Россияси видеоканали. 18.30 Пленета. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 19.45 Бу шахмат эмас, бу... 19.55 Бадминтон. Европа чемпионати. 20.30 «Время». 21.00 Даниил князь Галицкий. Бадий фильм.

Футбол МАВСУМОЛДИ БАҲСЛАРИ

БУГУН «ПАХТАКОР» КОМАНДАСИ ФУТБОЛ БУЙИЧА МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ УЙИНЛАРИНИ БОШЛАЙДИ



Мавсум бошлангунга қадар «Пахтакор» футбол клуби на ишқибозлар билан, на журналистлар билан учрашув ўтказгани йўқ. Бир ҳисобдан, тўғри қилишгандир...

Жумҳурият вақтли матбуоти саҳифаларида УзТАГдаги ҳамкасбларимизнинг команда бош тренери Ф. Новиков таърифланган мақолалари эълон қилинганлиги кўпчиликка маълум (ҳазирги шундаки, айнан шу икки муаллиф ўтган йилги собиқ бош тренер В. Носовни ҳам таърифни «келтириб» езишган эди). Шу сабабдан команда сафарга жўнашдан бир кун олдин ишқибозларни қизиқтиратган айрим саволларга жавоб олиш мақсадида мен «Пахтакор»нинг маҳаллий тренери А. ТОЛИБЖОНОВ билан учрашганини лозим топдим.

— Аскар Имомжонович, кундуз ҳарчанд уринсан ҳам сизларни учратолмадим...

— Биласизми, ҳар йилги мамлакат биринчилиги очилиши арафасида командамиз билан бирга жумҳурият физкультура ва спорт Давлат комитети ёнидаги авиахалокатга учраган пахтакорчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик-пойига қўлчамбарлар қўямиз. Боткин қабристонига бориб қомандошларимиз қабрларини зиярат қилиб ёдга оламиз. Бугун ҳам шундай бўлди. Кейин эса Қибрайда сўнгги машгулотларимизни ўтказдик. Эрта билан Москвага учамиз. У ерда биринчи кун тайёргарлик қўриб, сўнгга Ленинградга кетамиз.

— Сафар олдиндан кўп вақтингизни олимпиадга ҳаракат қилмади. Команданинг мавсумга қўرған тайёргарлиги ҳақида нималар дея оласиз!

— Мавсумолди машгулотлари давомиди 23 та ўртоқлик ва текширув (контроль) ўйинлари ўтказилди. Бундан кўзла-

Утган йилнинг охири ва шу йилнинг боши спорт соҳасида кутулмаган воқеаларга бой бўлди. Дастлаб СССР Давлат спорт комитети футбол ва хоккей бошқармаси ҳамда СССР футбол федерациясига янги ташкил этилган футбол лигалари Иттифоқи қўшилди. Хукумат қарорига биноан ҳудди ана шу сўнгги ташкилот СССР чемпионатларини ўтказиши лозим эди. У чемпионат йазминин ишлаб чиқди ва мўҳокамага қўйди. Низом Бўйича бу йил олий лигада 18, биринчи лигада эса 38 команда кураш олиб бориши мўлжалланган эди. Бироқ йил бошида Москвада бўлиб ўтган футбол Федерациясини южрония комитетининг таъсис сўзиди южоридидаги низомни «спорт принципларини қўпол равишда бузиш» деб ҳисоблади ҳамда сўзд қарорига мувофиқ «ҳокимиятнинг ўз қўлига олди. Чемпионат қандай ўтказиб келинаётган бўлса — шундайлигича қолади, деб қарор қилинди. Бизда ўзаро баҳс кетаётган вақтда Москвага шошиллич телеграмма келди. Халқ-

ган асосий мақсадларимиздан бири янги келган ўйинчиларни амалий текшириб кўриш, команда услубини меъёрга солиш бўлди.

20 марта мамлакат чемпионатининг иккинчи лигасида қатнашаётган Ўзбекистон командалари ўйинчиларидан иборат терма команда билан ўртоқлик учрашуви ўтказдик. Мақсад «Пахтакор» сафини маҳаллий футболчилар ҳисобига тўлдирish эди. Шу ўйин натижасида командага бир неча ўйинчи таклиф этилди.

— Ўзбекистонда миллий фут-

аро футбол ассоциацияси (ФИФА) президенти ҳамда бош секретари имзо чеккан бу хабарда «Биз фақат бир ташкилотни тан оламиз, агар икки эъдиётларини тезроқ ҳал қилиб аниқ бир қарорга келмасангиз — Совет футболини талқор майдонда иштирок этиш ҳўқуқидан маҳрум қиламиз». Телеграмманинг умумий мазмунини ана шундай эди.

Шошиллич тадбир кўриш натижасида бир қарорга келинди. Кичик ташкилот каттасига ўриндиқни бўшатиб берди. — 1990 йилги СССР чемпионатини ўтказишга федерация бошчилиги қиладиган бўлди.

Бироқ, ҳамма машааша шундан кейини бошланди. 15 февралда Тбилисда бўлиб ўтган Грузия футбол федерациясининг таъсис сўзиди шу йилдан бошлаб миллий чемпионат ўтказишга қарор қилди. Яъни СССР чемпионатининг олий, биринчи ҳамда иккинчи лигасида иштирок этиб келган Грузия командалари энди, мустақил ўз миллий чемпионатида иштирок этадиган бўлдилар. Бу йилги Грузия чемпионатининг

олий лигасида 18, биринчида 20 ҳамда иккинчи лигада 60 коллектив кураш олиб бордилар.

Грузия футбол федерациясининг қарори Литва норасмийларини ҳам четда қолдирмади. Бутун республика бўйлаб «Литва спортчилари СССР чемпионатида иштирок этишдан бош торгани» деган ҳайжирқилар янград. Орадан кўп ўтмай СССР футбол федерациясини Вильнюсининг «Жалгирис» клуби биринчилиқда қатнашмаслиги тўғрисида телеграмма олди.

СССР чемпионати ҳали бошланмасдан барбод бўлиши хавфи тўғилди. Бироқ бунга эtib келмади. Олий лигада 16. ўринга 13, биринчи лигада 22 ўринга 20 команда баҳс бошлашига келишилган ҳолда низомга ҳам тўзаткиш киритилди. Бу йил олий лигада сўнгги ўринда қолган команда тушиб кетиб, келаси мавсумда бир йўла биринчи лиганинг 1—4 ўринларини қўлга киритган коллективлар олий лигада чиқадилар.

Аброр ИМОМЖОНОВ.

дан ёрдам сезилмади, қарши чиққанлари ҳам бўлди.

— Охириги ўртоқлик учрашувлари сизларни қаноатландирдим!

— 27 марта Қибрайдаги стадионимизда Находканинг «Океан» командасини қабул қилдик. Очиги, ярим ҳимоячиларимиздан кўнглимиз тўлмади. Учрашув 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан тугади (тўпни «Пахтакор»дан Р. Галеев киритди). 30 марта эса Фрунзеда маҳаллий «Олга» командасининг меҳмони бўлдик. Бу ўйинда ҳам олдинги учрашув-

ереванлик Х. Огонесянлар ҳам «Пахтакор» шарафини ҳимоя қилдилар.

— Увуиниларимиз «Пахтакор» сафини майдонга тушадиган ўйинчилар рўйхати билан танишишни орзиқиб кўтаётдилар.

— Рўйхатга бирон-бир ўзгартириш киритиш умуминилгини инкор этмаган ҳолда эълон қилишнинг мумкин:

Дарвозабонлар — А. Яновский, Г. Безденежных, Е. Рахалин;

Ҳимоячилар — Г. Деянсов, М. Билолов, С. Бондаренко, А. Милляев, У. Рўзимов, А. Тихонов, С. Тишин;

Ярим ҳимоячилар — М. Кабаев, М. Қосимов, А. Пятничкин, И. Шарипов, Х. Огонесян, О. Усмоноҳўжаев;

Ҳужумда — И. Шкварин, А. Абдураимов, Р. Галеев, О. Тиллаев.

Олти йилдан бери «Бу йил «Пахтакор» олий лигага чиқади!» — деган анъанавий саволи беришини эп билмадим. Бу ёғи команда ўйинчилари ва раҳбарларининг ўзларида қолган. Ҳеч бир йили бу мавсумдагидек қўлай имконият бўлмаган, икки эмас, уч эмас, бир варақанига тўрт команда олий лигага ўтиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шу ўринда футбол ишқибозларини командамизга бевоиста ва билвосита раҳбарлик қилувчи ўртоқлар билан ҳам таништириб ўтишни маълум қўрдим.

Команда бошлиғи — Б. Абдураимов;

Команда бош тренери — Ф. Новиков. Тренерлар — В. Борисов, В. Кольцов, А. Толибжонов. «Пахтакор» футбол клуби президенти — Я. Якубов, ўринбосари — Р. Мирманян.

Ўзбекистон ССР физкультура ва спорт Давлат комитети футбол бўлимининг мудири — В. Солохо.

Рустам ШОЖАЛИЛОВ. «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

ОМАД БЎЛСИН, СЕНГА ЁР

бол шаклланишига, миллий командага вунжуда келишига нималар тўсиқлики қилаётми, деб ўйлайсиз!

— Бошқа соҳаларга ўхшаб футболда ҳам кўп нарсга қўйилган бошланади. Ишқибозларга маълумки, «Пахтакор» жумҳуриятимизнинг бош командаси ҳисобланади. Шу сабабли аввало футбол мактаблари, қолаверса, Ўзбекистон ва мамлакат иккинчи лигасида қатнашаётган командалар раҳбарлари маҳаллий футболчилар этиштиришга виждонан ёндошсалар, тўсиқлилик қилмасалар, сиз айтган маселалар ўз ечимини осон топарди.

Ғалимининг исботи учун биргина маълумот айтаман. Самарқанднинг «Динамо» командаси ҳужумчиси Олим Тиллаевни «Пахтакорга» қабул қилишда айрим раҳбарлар томони-

даги ҳисоб такрорланди (тўпни И. Шкварин киритди).

Мустафо Билолов ва Сергей Бондаренко ветеран футболчилар бўлишларига қарамай ҳимоя чизигида муस्ताҳкам ўйин кўрсатмоқдалар. Хужумчи Игорь Шквариннинг тезкорлиги кўпчиликти хурсанд қилишга ишонтиряпти.

— Энди янгиларга ўтсан...

— Таклиф қилинганлар орасида И. Шарипов, О. Тиллаев (иккаласи ҳам Самарқанднинг «Динамо»дан), О. Усмоноҳўжаев (Тошкент)лардан умидимиз катта. Фақат улар ўз устларига ишларлари, жисмоний тайёргарлики кучайтиришлари лозим.

Булардан ташқари қўқонлик дарвозабон Е. Рахалин, фарғоналик ўйинчи А. Тихонов, Москвалик С. Тишин ва

«ПАХТАКОР» КИМЛАР БИЛАН ЎЙНАЙДИ

Биринчи гавра

- 7 апрель. «Зенит» — «Пахтакор». 10 апрель. «Нефтичи» — «Пахтакор». 17 апрель. «Пахтакор» — «Нистру». 20 апрель. «Пахтакор» — «Металлург». 26 апрель. «Локомотив» Г. — «Пахтакор». 29 апрель. «Фавел» — «Пахтакор». 6 май. «Пахтакор» — «Динамо» Ст. 9 май. «Пахтакор» — «Ростсельмаш». 15 май. «Қайрат» — «Пахтакор». 30 май. «Кузбасс» — «Пахтакор». 2 июнь. «Локомотив» М. — «Пахтакор». 7 июнь. «Пахтакор» — «Шинник». 10 июнь. «Пахтакор» — «Геолог». 14 июнь. «Спартак» — «Пахтакор». 17 июнь. «Котайк» — «Пахтакор». 2 июль. «Тирас» — «Пахтакор». 5 июль. «Таврия» — «Пахтакор». 11 июль. «Пахтакор» — «Қўбаны». 14 июль. «Пахтакор» — «Динамо» (Сх).

МУХЛИСЛАР МАҚТУБИДАН

«Бу йил «Пахтакор»дан меҳмонда ҳам, ўз майдонидида ҳам фақат ҳужумкор ўйинлар кутамиз. Ҳеч бўлмас шу йил ишончимиз оқланади — деган умиддамиз...» Тошкентлик мухлис Ф. Турсуновнинг бизга йўллаган мактубида шу сўзларни учратамиз. Янгиёул ноҳисси. Қуйбўшев қишлоқ совети Пахтабод кўчаси, 29-уйда яшовчи О. Тожибоев, Акмал Икромов ноҳия ички ишлар бўлими ходими Ш. Олимбеков, Калинин ноҳиясидаги 45-мактаб ўқувчилари ва бошқалар ҳам ушбу фикрга уйғун истақларини ўз хатларида изҳор этганлар. Газетхонларнинг бу яхши нияти рўёбга чиқишига ҳаммамиз тилакдошимиз.

ЭНГ... ЭНГ...

Олий лигада бир мавсумда энг кўп тўп киритиш соҳасидаги мусобақада пахтакорчилардан икки киши лауреат унвонини қўлга киритган. 1988 йил Б. Абдураимов 22, 1983 йилда эса А. Якубик 23 марта рақиблар дарвозасини аниқ ишонга олган. Биринчи лигадаги рекорд ҳам Б. Абдураимовга тегишли. 1972 йилги мавсумда у 34-бор тўп киритган.

СССР терма командаси сафини пахтакорчилардан энг кўп (17 марта) В. Фёдоров майдонга тушган.

«Пахтакор» тарихида Г. Федотов номли клубга аъзо бўлган ўйинчиларни эслаб ўталик: Т. Красникий — 106, Б. Абдураимов — 104, ҳамда А. Якубик — 114 та тўп киритган.

Олий лигада энг кўп учрашув ўтказган пахтакорчи ҳам ҳозирги команда бошлиғи Б. Абдураимовдир. У 302 ўйинда майдонга тушган.

И. Секек олий лигада (145 учрашув), В. Тихонов эса биринчи лигада (67) энг узок вақт «Пахтакорга» мураббийлик қилганлар. Энг қисқа раҳбарлик Т. Исоқов йили 14 сентябрда бош тренер этиб тайинланган бўлса, 21 декабрда бу вазифани тошгарди.

СССР чемпионати учрашувларида ҳаммаси бўлиб 36 спортчи «Пахтакор» дарвозасини қўриққанлар. Олий лигада Ю. Шпенгичков энг кўп (177 марта) «соқчи»лик қилган бўлса, биринчи лигада бу кўрсаткич А. Яновскийга тегишлидир. У бу йил ҳам «Пахтакор» составида майдонга тушадиганлар рўйхатида бор.

1975 йил СССР чемпионатининг олий лигасида «Пахтакор» Киев динамочиларини 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратган. Уша йили киевлик футболчилар СССР чемпиони, кубок эгалари Европа кубогини ҳамда суперкубокни қўлга киритганликлари учун ҳам — пахтакорчиларнинг бу ғалабаси жумҳуриятимиз спорт ишқибозлари ёнида доимо сақланади. «Пахтакор» Москваининг «Динамо» клубидан энг яхши ҳисобда (0:8) мағлубиятга учраган.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.